



X-XII асрлар адабиётимизда юксалиш даври бўлди. Туркий тилда асарлар яратилди. Корахонийлар даврида бу нарса яна ҳам якколрок намоён бўлди. Панднома руҳдаги асарлар юзага келди. Ахмад Югнакий ҳам ана шу даврга мансуб шоирлардан бири. Унинг асари эса дидактик характерда.

Ахмад Югнакийнинг истеъдодли шоир ва мураббий, донишманд инсонлиги кайд этилади. Адиб Ахмад хакида оз маълумот сакланиб колган. Унинг хаёт йўллари, турмуши хакида етарли маълумотга эга эмасмиз. Шу сабаб ҳам хозирги кунда адибнинг яшаган даври масаласида олимларимиз ўртасида илмий бахслар давом этмокда. Шу пайтгача унинг яшаган даври XII аср деб келинарни. Фитрат, Н.Маллаев, К.Махмудов, И.Хаққулов, Б.Тўхлиев, Х.Болтабоев каби катор олимларимиз ана шу фикр тарафдори. Проф.

М.Имомназаров ЎзАС газетасида /1998 йил/ И.Хаққулов, К.Махмудов ва бошқалар билан бахсга киришиб, Югнакийни VIII асрга мансуб деган фикрни илгари суради. Бунга сабаб нима? Навоий «Насоим ул-мухаббат»да шундай ёзади: «Адиб Ахмад ҳам турк элидин эрмиш. Анинг ишида гариб нималар манкулдур. Дерларки, кўзлари битов эрмишки, асло зохир эрмас эмиш. Басир бўлиб, ўзга басирлардек андок эмас эрмишки, кўз бўлгай. Аммо багоят зийрак ва закий ва зохид ва мутақкий киши эрмиш. Хак субхонаху ва таоло агарчи зохир кўзин ёпук яраткандур, аммо кўнгил кўзин багоят ёрук килгондур.

Маскани Багдоддин неча йигоч, баъзи дептурлар, тўрт йигоч йўл эркан. Хар куни Имом Аъзам дарсига хозир бўлур экандур ва бир масала ўрганиб бу йўлни яёг борур экандур...» (Навоийнинг нигохи тушган. Т., 1986. 12-бет). Навоийнинг «Имом Аъзам дарсига хозир бўлур экандур» деган фикри М.Имомназаровнинг юкоридаги хулосага келишига сабаб бўлган. У Имом Аъзамни Багдоднинг алломаларидан ханафия мазхабининг асосчиси Имом Аъзам абу Ханифа ан Нуъмон ибн Собит /699-767/ деб билган. (Буюк сиймолар, алломалар. 1-китоб. 22-бет). Кўпгина олимларимиз Навоий тилга олган киши бу аллома эмас /Б.Тўхлиев бу шахс кимлиги аник эмас дейди. «Ўзбек адабиёти». 9-синф. 2000 йил. 158-бет/, бошка бир хиллари эса тасаввуф илмида улуглардан гойибдан тахсил олиш мавжудлигини, бу ҳам шу билан богликлигини таъкидлайдилар.

Ахмад Югнакий хакида ўз асарида маълумотлар учрайди. Асар матнида дostonнинг ёзилган йили, жойи кўрсатилмаган. Дostonнинг нусхаларидан бирида XV аср теурий хукмдорлардан Арслонхўжа Тархон адиб хакида куйидаги маълумотларни кайд этган: Адибнинг ери Югнак эканлиги /манбаларда Югнак Фаргона водийсида ҳам, Туркистон атрофида ҳам, Самарканд ёки Сирдарё атрофларида эканлиги кўрсатилади/, отасининг оти Махмуд, ўзи Адиб Ахмад, китобининг оти «Хибатул хакойик», асарни Кошгарий тили

билан ёзгани, ким бу тилни билса асарни тушуниши в.х. Яна бир номаълум шахс томонидан ёзилган кайдда эса, шоирнинг кўзи ожиз бўлгани, китоб 14 бобдан иборат эканлиги ёзилади:

Туга кўрмас эрди адибнинг кўзи,  
Тузатти бу ўн тўрт боб ичра сўзи.

«Хибатул хакойик»-«Хакикатлар армуғони» /Б.Тўхлиев «Севимли хакикатлар» дейди/нинг бугунгача учта тўлик кўлёмаси ва иккита айрим парчалари сакланиб колган. Уларнинг энг кадимгиси 1444 йилда Самаркандда Улугбекнинг нуфузли бекларидан бўлган Арслонхўжа Тархон топширигига кўра, котиб Зайнул Обиддин ибн Султонбахт ал Журжоний ал Хусайний томонидан уйгур ёзувида кўчирилган. Кейинги нусха уйгур ва араб ёзувларида бўлиб, 1480 йилда Туркистонда Истамбулга бориб колган котиб Шайхзода Абдурразок бахши томонидан кўчирилган. Учинчи кўлёмма араб хатида бўлиб, унга туркия султони Боязид ИИ мухри босилган. Бу нусха хам XV аср охири XVI аср бошларида кўчирилган. Турк олими Нажиб Осим 1914-1916 йилларда иккинчи нусхани топиб, нашр этган. «Хибатул хакойик» Туркияда 1915-16, 1951 йилларда, Тошкентда 1971, 1972 йилларда, Пекинда 1980 йилда, Олмаотада 1984 йилда нашр этилган. Асар баъзи манбаларда 235 байт, 254 байт ёки 484 мисра, 512 мисра деб кўрсатилади. Умуман, дostonнинг умумий хажми 500 мисрадан ортик.

Дostonнинг иккинчи нусхасида асар 14 бобдан иборатлиги кайд этилсада, у 11 бобдан ташкил топган. 3 боби бошка бобларга кириб кетган бўлиши мумкин. Дostonнинг биринчи боби 1-10 байтлар худога, иккинчи боби 11-19 байтлар пайгамбар ва тўрт халифага багишланган. Учинчи боб 20-33 байтлар Додсипахсолорга багишланади. Тўртинчи боб 34-39 байтлар китобнинг ёзилиш сабаби хакида, асосий кисм бешинчи бобдан бошланади. Бешинчи боб 40-62 байтлар билим мактови ва жохилликнинг зарарига, олтинчи боб 63-86 байтлар тил одобига, еттинчи боб 87-110 байтлар дунёнинг фонийлигига, саккизинчи боб сахийлик ва бахилликка, тўккизинчи ва ўнинчи боблар 176-226 байтлар турли хил масалаларга багишланган, ўн биринчи боб 227-235 боблар китобнинг хотимасидир.

Навоий Югнакийга юкори бахо беради. Юкорида кайд этилган асарда унинг куйидаги байтларини келтиради: «Балки аксар турк усулида хикмат ва нукталари шоеъдур...

Байт:

Улуглар не берса, емасмен дема

Илик сун, огиз ур, емасанг ема.

Байт:

Сўнгатка иликтур, эранга билик,

Биликсиз эран ул иликсиз сўнгат...»

Ахмад Югнакий инсон хаётини илмнинг ахамияти юксаклигини кайд этади. Турли ўхшатишлар оркали илм ва илмли кишиларни улуглайди. Билимли кишини кимматли динор, билимли хотин-ер ўрнида, илмлининг оти абадий, у ўлса хам номи ўчмайди, билимлининг бири билимсизнинг мингига тенг, илмсиз эса, емишсиз мева, билимсиз эркак-хотин кишидир, илмсиз иликсиз суяк, илимсиз тирик бўлса хам ўлик ўрнида ва хоказо.

Биликлик биринга биликсиз мингин,  
Тенгакли тенгади биликнинг тенгин...  
Сўнгатка йиликтан эранга билик,  
Еран кўрки-акл, сўнгатнинг йилик...

Адиб таъкидича, билимли керакли сўзни билади, кераксиз сўзни айтмайди. Билимсиз эса нима деганини билмайди. Тили бошини ейди:

Биликлик кераклик сўзин сўзлаюр,  
Кераксиз сўзини кўмиб кизлаюр.  
Биликсиз на айса аюр укмайин,  
Анинг ўз тили ўз бошини еюр...

Шоир тил хусусида ибратли фикрлар айтади. Тили бўш киши бошини ейди. Ўк яраси битади. Тил яраси тузалмайди. Ахмокнинг кони тили туфайли тўкилади. Тўгри сўз асал, ёлгон сўз саримсок пиёз, чин сўз шифо, ёлгон сўз касал каби, тўгри гапириш, сир бермаслик мухим.

Огиз-тил беага кўни сўз турур,  
Кўни сўзла сўзни, дилингни беа.

Ахмад Югнакий саховатни улуглайди, бахилликни коралайди:

Йимишсиз йигочтак карамсиз киши,  
Йимишсиз йигочни кесиб ўртагил.

Камтарлик, сабр-каноат инсон беага:

Улугликка тегсанг, янгилма ўзунг,  
Кали кийсанг атлас, унутма бўзунг.

Умуман, Югнакий ўз достонида ўқувчига панд-насихат билдиради. Асарда турли бадий воситалар, халк маколлари, таъбирлари учрайди. Ўхшатиш, тақрир, тазод каби санъатлардан кенг фойдаланилган.